Адабий ахборот

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий журнал (альманах)

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Қосимжон РАҲМИЕВ, шоир, адабий кўмакдош.
Абдулҳақ АБДУМАЛИКОВ, шоир, “Илҳом” адабий клуби раиси

Оқибатхон ИСМАНОВА, ЎшДУнинг Қирғиз филологияси ва журналистика факультети қошидаги “Ўзбек тили ва маданияти” маркази директори, ИПКнинг филология цикли доценти, филология фанлари номзоди.

Мақсуд АСАДОВ, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти профессори, филология фанлари доктори.

Зулайҳо РАҲМОНОВА, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Бош муҳаррир – **Барно ИСОҚОВА**
Бош муҳаррир ўринбосари – **Хосият БЕКМИРЗАЕВА**
Дизайнер – **Абдуллоҳ МАТҚОСИМОВ**

2023 йил, октябрь

АҲМАД ЮГНАКИЙ ИЖОДИДА ЭР ВА ЭРАН ОБРАЗИ

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари туркий адабиётда алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур панднома туркий образ ва тафаккур муштараклигини кўрсата олгани билан ҳам муҳим ҳисобланади. Хусусан, эр, эран образининг асардаги моҳиятини таҳлил қилиш орқали бу фикрни далиллаш мумкин. Шоир маслагини тўлақонли ифодалашда асл туркий сўз бўлган эр ва эранга алоҳида эътибор қаратади. Инсонийлик хислатлари баёнида уларни чин одам сифатида эътироф этади:

Сўнгакка тек эранга билик,
Эран кўрки ақл ўл, сўнакнинг йилик.
Билик билти бўлти эран белгулук,
Биликсиз тирикла йитук кўргулук [1,41].

Абдурауф Фитрат “Нажот йўли” асарида: “Дунё саодатининг раҳбари ақлдир. Охират саодатининг раҳбари ҳам ақлдир”[4,82], дея инсонийликнинг асоси ақлу тафаккурда эканлигини таъкидлайди. Зеро, Қуръони каримда ҳам шундай дейилади: *“Осмонлар ва Ернинг яратилишида, тун ва куннинг ўрин алмашиб туришида ақл эгалари учун аломатлар бордир. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Оллоҳни эслайдилар ҳамда Осмонлар ва Ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): “Парвардигоро, бу (борлиқни) беҳуда яратганинг йўқ. Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) Поксан” (Оли Имрон:190-191).* Манбаларда ақл фитрий ва касбий бўлиши айтилар экан, аввалгиси Яратганнинг инсон табиатига аввалдан берган сифати бўлса, кейингиси илм ва тажриба воситасида юзага чиқадиган билимдир, яъни инсон Аллоҳ томонидан берилган ақл қувватини яна-да бойитиб, мушоҳада қилиш даражасига кўтарилади. Аҳмад Югнакий эранлик ақл билан белгиланишини урғулайди, кейинги мисраларда унинг билим даражаси ҳақида ҳам фикр юритади. Билим ва тафаккур билан инсон, энг аввало, фоний дунёдаги асл муддао – ҳақни ботилдан ажратишни, адолат ва зулм чегарасини фарқламоқни ўрганади, одамзодга муносиб ҳаёт кечириш дастурини тушуниб етади. Демак, Аҳмад Югнакий ақл ва билим соҳибларини эран, илмсиз жоҳилларни эса ҳаёт бўлиб, ўлганлар, дея сифатлайди. Шоир

билим қимматини энг асосий ўринга қўяди, яъни тирикликнинг белгиси ўлароқ кўради:

Биликлик эр ўлти оти ўлмату,

Биликсиз эсон эркан оти ўлук [1,42].

А.Югнакий наздида, илмсизликнинг энг фожеали нуқтаси мана бу ерда:

Билик билмагандин бир анча будун,

Ўз элгин бут этиб идим бе теди[1,45].

Мазмуни: Илмсизликдан кўп кишилар ўз қўлини бут қилиб, Тангрим бу деди.

Асардаги ғоя ва ифодада муаллиф Қуръон ва ҳадисга таянгани маълум. Мазкур парчадаги фикр ҳам Фурқон сурасидаги: *“Нафси бадини илоҳ қилиб олганлар. Уларнинг ҳайвондан фарқи йўқ” (Фурқон: 43-44)* каби оятлар билан боғлиқ. Илм эътиқод ва иймон асосидир, у орқали Яратганни таниш, илоҳий маърифатга етиш мумкин. Турли ҳою ҳавасларга берилиш, умумий айтганда, бадбин иллатлар илм воситасида бартараф қилинади . Адиб Аҳмад наздида, маърифат мақомига эришганлар эр, эранлардир. Адабиётшунослар томонидан турлича талқин қилинган қуйидаги парча аслида эр ва аёл тенгсизлиги ҳақида эмас, одам бўла олганлар ва шу суратда яралса-да, бу номга лойиқ топилмаганлар ҳақида:

Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур,

Биликлик тиши эр, жоҳил эр - тиши[1,41].

Илмли инсон ва жоҳил кишининг фарқи *“Ёки кечалари сажда қилган ва тик турган ҳолда ибодат қилувчи, охиратдан қўрқадиган ва Парвардигорининг раҳматидан умид қиладиган киши (билан бошқалар баробарми?!) Айтинг: “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!* (Зумар: 9),” сингари оятларда аниқ баён қилинади. Адиб Аҳмаднинг билимли аёл эр ва билимсиз эр хотин кабидир, дейишида асло жинсий камситиш, ижтимоий тенгсизлик йўқ. “Бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттақий киши” *[2,426]* бўлган Адиб Аҳмаднинг бундай қиёс келтириши илмли ва жоҳил кишиларнинг фарқини аниқ тушунтиришга уринишдир. Тасаввуфий луғатларда ҳам шу тарздаги ўхшатишларга дуч келиш мумкин: “Хотинлардан ҳам эр бўлар. Бу маънавий етуклик даражасидир. Ва айрим эркаклар ҳиммат ва камолотдаги заифликлари билан хотиндирлар” *[5,126]*. Адиб Аҳмад илм

манфаатини олий ўринга қўяр экан, яшамоқнинг маъноси ўқиб изланишда деб ҳисоблайди ва шу моҳият соҳибларини туркий руҳиятга яқин эр, эранлар деб таъриф-тавсиф этади.

Адиб Аҳмад ўз асари ҳақида бекорга: “Ўга билмас эрга ўга ўргатур” демаган. Достонда эр рутбасига кўтарилиш учун қай йўлдан юриш кераклиги тўла-тўкис очиб бериладики, қандай инсон бу номга лойиқ бўлиши аниқ англашилади.

Адиб Аҳмад эрликнинг асосий сифатларидан бирини саховат ва карамда кўради:

Ахи эрни ўггил ўгар эрса сен,

Бахилға қатиғ ё ўқун кизлагил [1,60].

Маълумки, ахий сўзи биродарим, дўстим маъносини англатади. Эр номи араб ва форс адабиётидаги фатий, жавонмард сўзлари билан яқин бўлиб, футувват маслагида бўлган жавонмард, ахийлар жамоасининг хатти-ҳаракати ва аҳвол-руҳияси эр образига жуда ўхшаш. Илмда айтилишича, бу тариқат, асосан, эрлар орасида тарқалган. Усмон Тураргa кўра, футувват гуруҳи мусулмон турклар орасида ахийлик деб аталган. Адиб Аҳмад ижодида ахи эр бирикмасининг кўп бора такрорланиши эрлик мақомининг ахийлик маслагига ўхшаш эканлигини тўла далиллайди. Асарда ахий эр мақтовга лойиқдир, чунки ҳиммат ва карам инсоннинг барча қусурларини ювиб кетади. Шоирга кўра, ахийлар илмни амалга айлантира олгани учун ҳам бутун молини муҳтожлар учун сарфлайди. Зотан, Қуръони каримдаги *“Ўзларида эҳтиёж бўла туриб, (эҳсон қилишда бошқа муҳтожларни) ихтиёр қилурлар” (Ҳашр: 9)* ояти ахийликнинг асоси ҳисобланади. Кўриш мумкинки, Адиб Аҳмад таърифлаган ахий эр бор-йўғини эҳтиёжмандлар учун сарфлайди:

Ахи эр биликни ета билди кўр,

Анин сотти молин сано олди кўр[1,61].

Мазмуни: Сахий эр билимнинг қадрига ета олгани учун бутун молини сарфлаб, мақтов, олқиш олганини кўр.

Асардаги *“ахи эр”* бирикмаси *“сахий эр”* дея табдил қилинган бўлса-да, бу икки тушунча орасидаги фарқли мазмундан келиб чиққан ҳолда айтиш керакки, Адиб Аҳмад назарда тутган эр ахийдир. Ахий атамаси туркий адабиётда сахий мазмунида келтирилса-да, бироқ уларни айни мазмунга эга

эмасликлари маълум. Алишер Навоий сахийлик ва ахийликни ҳаётий мисол ёрдамида шундай тушунтиради: “Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин бир очға берганни сахий де; ўзи емай барин муҳтожга берганни ахий де... Сахо тарийқин мазкур бўлғон сўзла англа, аммо карам ойини ва футувват русуми ўзга англа” *[3,80]*. Ахийлик саховатнинг ийсор боқичидир. Ахий эр халқ оғирини енгил қилади, эл-юрт манфаатини энг аввалги ўрингa қўяди, барчани ўзидан устун қўйиб, нафсига маломат билан яшайди. Унинг тилидан ҳеч кимга озор етмайди, чунки у ёлғон, ғийбат ва беҳуда сўзлардан йироқ бўлади. Ахий эр борини дўстлари учун қурбон қилади, меҳмон ва мусофирларга ҳиммат кўрсатади. Умуман айтганда, ахий эр хислатлари жамиятнинг фаровон ва обод бўлиши учун ниҳоятда зарур, уларнинг кўпайиши эса адолатли турмуш гарови. Шу сабабдан бундай ахийлар халқнинг чексиз эҳтиромига лойиқ саналади:

Бу будун тўлуси ахи эр турур,

Ахилик шараф, жоҳ, жамол орттурур[1,62].

Мазмуни: Халқнинг энг етуги сахий эрдир, сахийлик шараф, мартаба ва камолотингни орттиради (Қ.Маҳмудов табдили).

Маълумки, эр туркий тилда одам, киши маъносида келади. Буни руҳоний мартабани англатган эр истилоҳи билан адаштирмаслик керак. Аҳмад Югнакий асарида ҳам эр ўз маъносида қўлланилган ўринлар мавжуд. Салбий сифатларда таърифланган эр(киши)га эътибор қаратайлик:

Сафиҳ эр тили ўз боши душмани,

Тилиндин тўкулди телим эр қани[1,48].

Мазмуни: Аҳмоқ кишиларнинг тили ўзига душман, кўп кишиларнинг қони тили туфайли тўкилди.

Бу байтдаги эр сўзи қуйидаги парчада келтирилган эр истилоҳи билан моҳиятан фарқлидир:

Бутун қилғи феълин ўта иртагил,

Карам кимда бўлса, ани эр тегил[1,73].

Мазмуни: Ҳамманинг феълини тўлиқ кузат, ким карамли, шафқатли бўлса, уни эр ҳисоблагин.

Лекин эран истилоҳи асарда кўплик, яъни кишилар маъносида келмайди. Бу ном Адиб Аҳмад ижодида мақомни англатувчи истилоҳ

бўлганлиги сабабли парчаларда кўп ҳам кўзга ташланмайди, шунингдек салбий сифатларни ҳам олмайди:

Эран ҳайри шарри кузаф кечмас ул,

Эсиз ўдгу ишга ёнут бўлмас ул [1,80].

Маъноси: Яхшилар қўлидан ёмонлик келмайди, ёмон киши эса яхшилик қайтариш учун жавоб топа олмайди.

А.Югнакий ўз асарини “туркча китоб” деб номлайди. Муаллифнинг бу таъкидини пандномада комил инсонни тамсил этган ягона образ соф туркий сўз эр ва эран тўла маънода оқлайди. Адиб Аҳмад асарни ёзишда Қуръони карим ва ҳадиси шарифга таянгани маълум. Аммо туркий адабиётда қўлланган зоҳид, ориф, ошиқ, ринд, дарвеш, фақир сингари бошқа тиллардан кириб келган ирфоний образларни ҳеч бир ўринда қўлламайди. Ўзининг олий мақсадларини англатишда эр, эран образигагина таянади. Китобда ақл, илм, маърифат, тўғрилик, саховат, карам каби одамийлик хислатлари эр ва эран образида мужассамлашади. Бу тасвир усулидан эзгу мақсад кўзлангани аниқ. Муаллиф ўз пандномасининг туркийлар юрагига янада яқин бўлишини хоҳлаган. Аниқроғи, эрнинг халқ орасида етуклик тимсолига айланишини орзу қилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмад Югнакий. Ҳибат ул-ҳақойиқ. Нашрга тайёрловчи Қ.Маҳмудов. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1971.
2. Алишер Навоий. МАТ. 17-жилд. Насойим ул-муҳаббат.-Т.:Фан, 2001.
3. Алишер Навоий. ТАТ. 9-жилд. Маҳбуб ул-қулуб. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.
4. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар V жилд. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. –Т.: “Маънавият”, 2010.
5. Ethem Çebecıoğlu. Tasavvuf terımlerı ve deyımlerı sözlüğü. www.turklib.uz
6. Хўжанова Г. “Ҳибат ул-ҳақойиқ” ҳақиқатлари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.

Насиба ЖЎРАҚУЛОВА,

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

О, сени тарифлаб, нечук мадҳ этай,
Ахир,биз биттамиз, бир жону бир тан?
Қандай қилиб энди ўзимни мақтай,
Ўзимни мақтайман сени мақтасам.
Шунинг чун бир бирдан яшаймиз айру,
Токи айриликда юриб ҳамиша,
Мадҳ этай кўркингни, латофатингни,
Чунки мадҳ этишга лойиқдир ўша.
О, ҳижрон ошиққа аламдир, азоб,
Айриликда чекар ошиқ интизор.
Лекин ҳижрон аро, аё моҳитоб,
Ширин умидларнинг лаззати ҳам бор.
Мен сенга йироқдан боқиб ҳар маҳал,
Сувратинг чизаман ёрқин, мукаммал…

46
Кўзим билан қалбим талашар нуқул,
Ки гўзал қиёфанг яшайди кимда?
Кўзим дейди: менинг қароғимда ул,
Юрагим дейдики, яшайди менда…
Кўзим онт ичади: кечадир кундуз,
Ойинамда эрур жамоли унинг.
Юрак қасам ичар: мисоли юлдуз
Менда чарақлайди тимсоли унинг…
Фикру мулоҳаза ҳукмида бу иш
Кўрилди оқибат, гапнинг хулласи,
Айтилди: нимадир юракка тегиш,
Нимадир кўзларнинг ҳаққи, ҳиссаси.
Жоним, сувратингни кўзларим олди,
Севги, муҳаббатинг юракда қолди…

«Хуршид Даврон кутубхонаси» сайтидан олинди

МУНДАРИЖА:

АДАБИЙ ЯНГИЛИКЛАР ёки Муҳаррир минбари.....2
Абдуғани АБДУҒОФУРОВ Қирғизистон халқ ёзувчиси.....5

ЮБИЛЕЙ: Мирзоҳид МИРЗАРАҲИМОВ 80 ёшда
Муҳаммадсоли Улуғбек. Насрда назмлар яратган адиб**.....6**

АДАБИЁТШУНОСЛИК
З. Раҳмонова. Алишер Навоий асарларида муршид образи.....10
Н. Жўрақулова. Аҳмад Югнакий ижодида эр ва эран образи.....15
Э. Қурбонова. Бобур лирикасида ғурбат тасвири.....19
М. Шомуродова. Садриддин Айний “эсдаликлар”ида адабиёт ҳақида чизгилар.....25

ШЕЪРЛАР
Умида АҲМАД.....30
Дониёр Раимжонов.....33
Раҳимжон Али.....37
Абдуллоҳ Юсуф.....40
Муҳаммадамин Ҳожиакбаров.....47

НАСР
Матлуба Мусабоева.....50
Абдулазиз Толипов. Алмат банги саргузаштлари.....54

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
Шекспир. Сонетлар.....56

Адабий ахборот. Адабий журнал. 2023 йил. сентябрь .
Муассис: “Ахборот” МЧЖ
Муаллифлар фикри таҳририят аъзолари фикридан фарқ қилиши мумкин.

Журнал “Ахборот” МЧЖида тайёрланди.
Манзил: Ўш шаҳри, Кўк-Бел кўчаси, 48 уй.
Б/п. эл. почта: axborot@inbox.ru